



Мусулмон туркийларининг биринчи давлатлари XI асрлардан пайдо бўла бошлади. Булар Корахоний, Газнавий ва Салжукийлар мамлакатлари эди.

Корахонийлар давлати Абдулкарим Сатук Бугро хон даврида (932-955) Исломни қабул қилди. Баъзи тарихчиларнинг айтишича, Корахонийлар сулоласи Кўк турклардан бошланиб, асосчиси Сака Алп Эр Тунгадир. Корахонийларда бошқарув маркази иккита бўлган. Шарқда Кашгор, Ғарбда эса Самарканд марказ эди. Уларнинг ҳукумати 1212 йилгача давом этган.

Туркий мусулмонларнинг бошқа бир давлати Газнавийлардир. 1183 йил Газнавийлар бир нечта мамлакатга бўлиниб кетди.

1040 йил Газнавийларнинг Данданакандаги мағлубиятидан сўнг буюк салжукийлар мамлакати пайдо бўлди. Шу даврда Анатолия босиб олинди ва туркийлаштирилди. Анатолиядаги салжукийлар 1243 йил илхонийлардан мағлуб бўлиб, уларга қарам бўлиб қолди. 1308 йил эса, мамлакат парчаланиб кетди.

Салжукийлардан салтанатни Хоразмшоҳлар мерос қилиб олди. Султон Маликшоҳ юборган Ануш Тегин бу мамлакатга асос солади. Мазкур мамлакат 1077 йилдан 1231 йилгача давом этади ва мўғуллар қарбасидан сўнг йўқ бўлади.

Салоҳиддин Аюбий Миср ва Шомда Аюбийлар мамлакатини ташкил қилган. Бу мамлакат 1173 йилдан 1252 йилгача давом этган. Бу мамлакат парчаланиб кетгач туркийлардан ташкил топган мамлуклар мамлакати ташкил топди. Бироқ, бу мамлакат 1517 йил Усмонийлар тарафидан босиб олинди.

XIII аср ўртаси, Чингизхон ўлиmidан сўнг, Мўғуллар давлати тўртга бўлинди. Мўғилистондаги ҳудудлардан ташқари қолган ҳудудлар Исломни қабул қилган туркийларнинг давлатига айланди (Олтин ўрда, Чигатой улуси ва Илхонийлар мамлакати)

1336 йил Амир Темур чиққач Илхонийлар мамлакати ҳам йўқ қилинди. 1370 йил Чигатой улусининг бошига ҳам шу қўнлар тушди. Олтин Ўрда XV аср ўрталаригача бор бўлган бўлса ҳам, у Астрахон, Қрим ва Қозон хонлиқларига бўлиниб кетди. Орадан кўп ўтмай бу жойларни Россия босиб олди. Бу салтанат 1857 йили инглизлар тарафидан Ҳиндистонни босиб олгач йўқ қилинди.

Темурийлар салтанати 1500 йилгача турди, сўнг улар Шайбонийхонлар қарбасидан йиқилди. Аммо, темурийлардан бўлган Бобир Мирзо Ҳиндистоннинг шимолини қабт этди ва бобурийлар сулоласига асос қолди.

Туркистондаги ўзбекларнинг хонлиги Хива, Бухоро ва Қўқон хонликларига бўлиниб кетди. XIX аср ўрталарида бу ўлкани ўрислар босиб олди.

1918 йили Ўсманийлар салтанати инкирозга юз тутди ва унинг унинг ўрнига Туркия республикаси пайдо бўлди.

Абу Муслим